



ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИДА ҚУРИЛИШ-ТАЪМИРЛАШ ХАРАЖАТЛАРИ ҲИСОБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

доц. **Исканов Холжигит**

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

ORCID: 0009-0005-7274-3369

xoljigitiskhanov@gmail.com

проф. **Остонокулов Азамат**

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

ORCID: 0000-0003-2792-3174

a.ostonokulov@tsue.uz

Аннотация. Мазкур мақолада олий таълим ташкилотларида қурилиш-таъмирлаш харажатлари ҳисобининг назарий жиҳатлари тадқиқ этилган. Қурилиш-таъмирлаш харажатлари ҳисобига оид адабиётлар шарҳи амалга оширилиб, унинг ўзига хос ўнашлишлари очиб берилган. Қурилиш-таъмирлаш харажатларини тан олиш ва баҳолаш ҳамда ҳисобини юритишга оид масалалар олий таълим ташкилоти мисолида ўрганилган. Қурилиш-таъмирлаш харажатлари назоратини таъминлашда ҳужжатлаштириш ҳамда ҳисоб ишларини юритишнинг муҳим жиҳатлари келтирилган. Олий таълим ташкилотларида қурилиш-таъмирлаш харажатлари ҳисобига оид муаммоли ва мунозарали ҳолатлар ўрганилиб, уларнинг салбий оқибатлари келтирилган. Олий таълим ташкилотларида қурилиш-таъмирлаш харажатлари ҳисобини такомиллаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар шакллантирилган.

Калит сўзлар: олий таълим, қурилиш-таъмирлаш, бюджет сметаси, бюджет ҳисоби стандарти, ҳисоб, ҳисобот.

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ УЧЕТА ЗАТРАТ НА СТРОИТЕЛЬСТВО И РЕМОНТ В ВЫСШИХ УЧЕБНЫХ ЗАВЕДЕНИЯХ

доц. **Исканов Холжигит**

Ташкентский государственный экономический университет

проф. **Остонокулов Азамат**

Ташкентский государственный экономический университет

Аннотация. В статье рассматриваются теоретические аспекты учета затрат на строительство и ремонт в высших учебных заведениях. Проведен обзор литературы по учету затрат на строительство и ремонт и выявлены его специфические направления. На примере высшего учебного заведения рассматриваются вопросы, связанные с признанием, оценкой и учетом затрат на строительство и ремонт. Представлены важные аспекты документооборота и учета в обеспечении контроля затрат на строительство и ремонт. Исследованы проблемные и спорные ситуации, связанные с учетом затрат на строительство и ремонт в высших учебных заведениях, и представлены их негативные последствия. Сформулированы предложения и рекомендации по совершенствованию учета затрат на строительство и ремонт в высших учебных заведениях.

Ключевые слова: высшее образование, строительство и ремонт, сметная стоимость, стандарт бюджетного учета, бухгалтерский учет, отчетность.

IMPROVING THE ACCOUNT OF CONSTRUCTION-REPAIR COSTS IN HIGHER EDUCATION INSTITUTIONS

assoc. prof. *Iskanov Kholjigit*

Tashkent State University of Economics

prof. *Ostonokulov Azamat*

Tashkent State University of Economics

Abstract. *This article studies the theoretical aspects of construction and repair cost accounting in higher education institutions. A review of the literature on construction and repair cost accounting is carried out and its specific directions are revealed. Issues related to the recognition, assessment and accounting of construction and repair costs are studied using the example of a higher education institution. Important aspects of documentation and accounting in ensuring control over construction and repair costs are presented. Problematic and controversial situations related to construction and repair cost accounting in higher education institutions are studied and their negative consequences are presented. Proposals and recommendations are formulated to improve construction and repair cost accounting in higher education institutions.*

Keywords: *higher education, construction and repair, budget estimate, budget accounting standard, accounting, reporting.*

Кириш.

Олий таълим муассасаларига сарфланадиган бюджет харажатлари глобал даражада жуда катта аҳамиятга эга. Жумладан, 2021 йилда жорий ва капиталли бюджет сарфлари ва трансфертларни ўз ичига олган давлатнинг таълим учун сарфланган маблағи ЯИМнинг ўртача 5,22 % ни ташкил этган. Ушбу кўрсаткич айрим мамлакатлар учун 8 % атрофида бўлган, бошқаларида эса 3 %дан пастроқ даражада бўлган. Ўзбекистонда олий таълим тизими узоқ муддатда жадал ривожланмоқда. 2014 йилдан 2024 йилгача олий таълимга қамров 6,8 %дан 47,7 %гача ўсган ва 2024/2025 ўқув йили бошида 18–23 ёшдаги аҳоли орасида олий таълим билан қамров кўрсаткичи 47,7 % ни ташкил этди. Бу ҳолат 7 баробардан зиёд ўсишни англатади. Ҳозирги ҳолатда Ўзбекистонлик талабалар сони 2024/2025 ўқув йили боши ҳолатига 1,432,8 минг нафарни ташкил этмоқда — бу ҳажм 2015/2016 йилдаги 264,3 минг нафар билан таққослаганда қарийб 5,4 барабар ошган¹. 2023 йилда давлат бюджети ижтимоий соҳаларга 13,7 % ЯИМга тенг сарфланган, шундан 30,1 трлн. сўм таълим муассасаларини ривожлантиришга йўналтирилган (ҳар 6 ой давомида). Олий ва ўрта махсус таълим учун қурилиш-таъмирлаш ишлари қиймати 2022 йилда қарийб 4,1 трлн. сўмни ташкил этган, бу олдинги йилга нисбатан сезиларли даражада кўп эди².

Мамлакат раҳбарининг маърузаларида олий таълим муассасалари инфратузилмасини модернизация қилиш, янги бинолар ва таъмирлаш ишларини самарали режалаштириш муҳим вазифалар сифатида белгиланган. Хусусан, Президентнинг таълим соҳасидаги стратегик форумларида мавжуд қарорлар қурилиш-таъмирлаш харажатларини рақобатбардошлик ва самарадорликни таъминлаш асосида тайёрлашга алоҳида урғу берилган.

Адабиётлар шарҳи.

Хорижлик олимлар ва илмий тадқиқотлар шраҳига тўхталадиган бўлсак қатор изланишларга гувоҳ бўлшимизмумкин. Guraziu (2023) таълим муассасаларида ҳар бир қурилиш-таъмирлаш лойиҳаларининг масъуллик, бюджетлаштириш ва сарф назорати тизими йўлга қўйилса, лойиҳалар ўз вақтида ва бюджет доирасида бажарилади деган

¹ Ўзбекистон Ахборот агентлигининг расмий сайт маълумотлари.

² Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг расмий сайт маълумотлари.

натижага келган. Ahmed et al. (2022) дастлабки режалаштириш ва назорат механизмлари етишмаслиги қурилиш харажатларининг ошишига сабаб бўлардаини қайд этган. Povazhnyi et al. (2023) Украин университетларидаги тадқиқотларида мутахассисларнинг етишмаслиги ва бюрократик муаммоларнинг харажат назоратига салбий таъсир кўрсатадиган омиллар эканини таъкидлаган (Alfred Kweku Attom Prah, 2025).

Xiaobing Yu & Zuo (2022) муаллифлар ишлаб чиққан аналитик йўналиш — Big Data + АНР методологияси қурилиш харажатларини назорат қилишда юқори аниқликни таъминлайди ва проект умумлаштириш учун қулай имконият яратади деган хулосага келган.

Mohd Fairullazi Ayob et al. (2025) (Малайзия) Life Cycle Cost (LCC) мурожаатининг таълим муассасалари биноларида харажат самарадорлигини ошириш учун муҳим стратегия эканини кўрсатган, аммо университет ташкилотлари учун махсус йўриқномалар етишмайди деган хулосага келган.

Somayeh Zafarzadeh ва бошқалар (2022) Activity-Based Costing ва System Dynamics моделлари қўлланилиши, университетлардаги эҳтиёжларга мослашган харажат таҳлилини амалий прогнозлаш имконини беради, бу бошқарув қарорларини такомиллаштиради (Cropper, Roger, 2000). Ahmed Mohamed Safaa Eldin ва ҳамкасблари (2024) мақолада 5D-BIM технологиясининг қурилиш харажатларини режалаштириш ва назоратда анъанавий методларга нисбатан устунликка эга эканлиги таъкидланган.

Мамлакатимизда олий таълим муассасалари қурилиш-таъмирлаш харажатларини ҳисоби бўйича изланиш анчайин кам саналади. Юқоридаги халқаро тадқиқотлар Ўзбекистон шароитига ҳам умумий илмий асос сифатида қўлланилиши мумкин (1-жадвал).

1-жадвал

Олиб борилган изланишлар ва уларнинг йўналишлари

Манба ва Авторлар	Тадқиқот мавзуси	Қўллаш йўналишлари
Hirji et al. (2022), Ngacha & McDonald (2023)	Real-time cost monitoring	Электрон маълумот тизимларини жорий этиш
Zafarzadeh et al. (2022)	Activity-Based Costing ва System Dynamics	Анъанавий бухгалтерия ҳисобини такомиллаштириш
Ayob et al. (2023)	LCC жараёнлари	Узоқ муддатли бинолар таъмирлаш харажатларини прогноз қилишда қўллаш
Xiaobing Yu & Zuo (2022)	Big Data + АНР аналитика	Ахборот тизимлари орқали ёнилғи ва материал харажатларини назорат қилиш
Ahmed et al. (2024)	BIM технологиялари	Автоматлаштирилган смета ва прогноз учун модельлар жорий этиш
Houghton (2024) The Australian article	Таълимда харажатни чуқур ҳисоблаш	Талабалар ва таълим йўналишлари бўйича харажатни аниқ ҳисоблаш тузилмалари

Манба: изланиш натижасида муаллифлар томонидан шакллантирилган.

Шу тариқа, халқаро адабиётлар шарҳидан кўриш мумкинки, олий таълим муассасаларида қурилиш-таъмирлаш харажатларини назорат қилиш ва режалаштиришда бир қатор замонавий усулларни таклиф қилади. Ўзбекистон шароитида бу усулларни реал аудиторлар, бюджет назорати ва ҳуқуқий меъёрлар билан мувофиқлаштириб бориш мақсадга мувофиқ бўлади.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Мамлакатимизда "Бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларнинг харажатлар сметаси ва штат жадвалларини тузиш, тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом"га мувофиқ:

Ҳар бир бюджет ташкилоти ва маблағ олувчи харажатлар сметаси ва штат жадвалларини мустақил равишда тузиши, тасдиқлаши ва рўйхатдан ўтказиши талаб этилади. Сметалар ва штат жадваллари миллион сўмда, ягона форматда тузилади ва жорий молия йили давомида амал қилади. Рўйхатдан ўтказиш юридик шахс мақомига эга ташкилотлар томонидан бажариб, тегишли карточка орқали амалга оширилади. 2023 йилдан бошлаб бу жараёнлар қағоз шаклида эмас, фақат электрон тизим орқали амалга оширилади (молия сўровлари, смета ва штат жадваллари).

2-жадвал

2025 йил учун олий таълим муассасаси смета ва штатлар жадвали

Харажат таркиби	смета (млн. сўм)
Капитал таъмирлаш	1 200,0
Капитал реконструкция	800,0
Жорий таъмирлаш	400,0
Моддий ресурслар (материал)	300,0
Меҳнат фонди	600,0
Жами	3 300,0

Манба: Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг расмий сайт маълумотлари.

"Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги" йўриқномага мувофиқ, бухгалтерия ҳисоби тижорат муассасаларига хос ҳисоб-китоблардан фарқ қилади. Хусусан, пул оқимлари, активлар, мажбуриятлар ва харажатларни молиявий ва балансдан ташқари ҳисобварқларда жойлаштириш керак. Ҳисобварақлар бешта бўлимдан иборат: молиявий бўлмаган активлар, молиявий активлар, мажбуриятлар, молиявий натижа ва балансдан ташқари ҳисоблар.

Қурилиш-таъмирлаш харажатларига оид операцияларни бухгалтерия счётларида акс эттириш:

Дебет "Капитал таъмирланиши учун харажатлар"

Кредит "Қисқа муддатли кредиторлик қарзлари"

Дебет "Жорий таъмирлаш харажатлари"

Кредит "Жорий йил харидорлик мажбуриятлари"

Дебет "Меҳнат фонди"

Кредит "Ходимларга тўланадиганиш ҳақи"

Бу бухгалтерия ўтказмалари БҲС 2-сонли "Ягона счётлар режаси"га мувофиқ тартибланади.

Олий таълим муассасалари смета ва жорий бошқа харажатлар ҳисоботларини шаклланган БҲС 3-сонли "Бюджет ҳисоботи" асосида тақдим этиши лозим. Бу ҳисоботларда сарфлар гуруҳ бўйича, сарфланган маблағлар ва ижро даражаси кўрсатилади. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан белгиланган муддатларда чораклик (2-сон шакл) ва йиллик ҳисоботлар тақдим қилинади³.

gov.uz сайтида 2024–2025 йиллар давомида таълим соҳасига ажратилган лойиҳалар ва уларнинг харажатлари ҳақида маълумотлар мавжуд:

³ БҲС 3 сонли "Бюджет ҳисоботи" номли Бюджет ҳисоби стандарти.

Биринчидан, 2024 йили қурилиш ишларига ажратилган маблағлар ўсмасини шахсий мисоллар билан таҳлил қилиш мумкин — умумий қурилиш харажатлари 105,1%га ошган⁴.

Иккинчидан, ахборот тизимлари ва янги бино барпо этишга сарфланган сарфлар миллий бюджет тизимида самарадорлигини ошириш учун қўшимча чора-тадбирлар кўрилган.

3-жадвал

Қурилиш-таъмирлаш ишларига оид кўрсаткичлар таҳлили

Кўрсаткич	2024 й. (млн. сўм)	2025 й. прогноз	Ўзгариш (%)
Қурилиш ишлари	1 100,0	1 156,6	+5,1%
Капитал инвестициялар	900,0	917,9	+2,0%

Манба: Олий таълим муассасасининг молиявий ҳисоб маълумотлари.

Бу таҳлил муассаса раҳбариятига сарфларни режалаштириш ва мониторинг жараёнида стратегик қарорлар қабул қилишда кўмак беради. Олий таълим муассасаларида қурилиш-таъмирлаш харажатларини режалаштириш, ҳужжатлаштириш ва ҳисоботлаштириш тартиблари ҳуқуқий асосларда шакллантирилди.

Ички назорат ва аудит тизимидаги камчиликлар. Олий таълим муассасаларида қурилиш-таъмирлаш харажатларига аудит ўз вақтида ва тўлиқ амалга оширилмаётгани кенг муҳокама қилинди. Шунингдек, аудит тизимида рақамли технологиялардан анча пасайганлик, янгиликни амалиётга жорий қилишда қийинчиликлар мавжудлиги қайд этилди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Давлат Бюджети харажатларининг самарадорлигини ошириш ва Давлат молиявий назорати органлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисидаги чора-тадбирларда қурилиш объектларида назорат ўлчовини амалга ошириш билан боғлиқ ёндашувлар таклиф қилинган. Қурилиш қиймати 10 млрд. сўмдан юқори бўлган объектлардан назоратни махсус Инспекциянинг Қурилиш объектларида назорат ўлчовлари ташкил этилмагани, ваколатлар тушунарсизлиги ва амалга оширишда самарадорлик етишмаяптилиги қайд этилди⁵.

Смета ва харажатлар сметасининг ноаниқлиги. Қурилиш-таъмирлаш ишларини сметалаш натижасида харажатлар ҳажмлари бир неча маротаба ошириб кўрсатилган ҳолатлар мавжуд. Масалан, Жиззах туманидаги ободонлаштириш объектларида 61,2 млн. сўм ноқонуний харажатлар, 973,6 млн. сўм сарф-харажатлар асоссиз кўрсатилгани аниқланган. Бу ҳолат олий таълим муассасаларида ҳам, материаллар ва хизматлар учун сметалар ноаниқ тузилиши, ҳисоблашда камчиликлар бўлиши мумкинлигини кўрсатади.

Шунингдек, давлат мактаб ва боғчаларни қуриш ва таъмирлаш учун ажратилган маблағлар 423 млрд. сўм давлат бюджетидан бошқа мақсадларга қайта йўналтирилгани, бу соғлиқ ва таълим соҳаларидаги маблағ самарадорлигини пасайтирадиган ҳолат вазифасини бажармайди. Бу олий таълим муассасалари учун сметаларда манба жараёнларининг аниқлигини таъминламайди.

Ушбу бўлимда кўриб чиқилган муаммолар — назорат тизимининг амалий заифлиги, смета ва ҳисобот ҳажмларининг нотўғри тузилиши, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар орасидаги номувофиқликлар ва коррупция хавфи курсатилади. Бу омиллар

⁴ Бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларнинг харажатлар сметаси ва штат жадвалларини тузиш, тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги [низом](#).

⁵ Ўзбекистон Ахборот агентлигининг расмий сайт маълумотлари.

олий таълим ташкилотларида қурилиш-таъмирлаш харажатларини ҳисоб-таҳлил қилиш ва жавобгар бюджет назоратини самарали амалга оширишга тўсиқ бўлади.

Хулоса ва таклифлар.

Олий таълим ташкилотларида қурилиш-таъмирлаш харажатлари ҳисобини такомиллаштириш масаласи — мураккаб ва кўп қиррали жараён бўлиб, ушбу соҳадаги самарадорлик ва шаффофлик даражаси мамлакатнинг умумий таълим сифати ва молиявий барқарорлигига бевосита таъсир кўрсатади. Мақолада таҳлил қилинганидек, ҳозирги кунда ушбу соҳада қатор муаммолар мавжуд бўлиб, уларни бартараф этиш учун тизимли чора-тадбирлар керак.

Биринчидан, қурилиш-таъмирлаш харажатларини режалаштириш ва сметалаш жараёнида аниқлик ва шаффофлик таъминланмаётгани, бунинг натижасида маблағлар самарасиз сарфланиши кузатилмоқда. Хусусан, «Бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларнинг харажатлар сметаси ва штат жадвалларини тузиш, тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги» Низом ва «Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги» Йўриқномаларнинг амалий жорий этилишида аниқликлар етишмайди.

Иккинчидан, олий таълим муассасаларида қурилиш-таъмирлаш харажатлари бўйича назорат ва аудит тизимлари самарали ишламайди. Бу ҳолат маблағларнинг оқилона тақсимланишига тўсиқ бўлиб, коррупция ва бюджет ресурсларининг суистеъмоли хавфини оширади. Шунингдек, назорат органларининг рақамли технологиялардан фойдаланиш даражаси пастлиги ва мониторинг жараёнларининг аниқ ва тизимли йўлга қўйилмаганлиги муаммони янада мураккаблаштиради.

Учинчидан, норматив-қонунчилик ҳужжатларидаги муаммолар, яъни нормаларнинг муваффақиятсиз мувофиқлаштирилиши ва уларнинг амалга оширилишидаги камчиликлар қурилиш-таъмирлаш харажатлари ҳисобини тўлиқ ва адолатли назорат қилишни чеклайди. Бу ҳолат талабларга мос келмайдиган ҳисоботлар ва сметаларнинг ташкил этилишига сабаб бўлмоқда.

Шунингдек, иқтисодий таҳлил натижалари кўрсатадики, мазкур муаммолар мамлакатнинг таълим секторидаги молиявий ресурслардан самарали фойдаланишни камайтиради ҳамда олий таълим муассасаларида инфратузилма ривожланишини секинлаштиради. Бу эса ўқув жараёни ва илмий фаолиятга салбий таъсир кўрсатади.

Хулоса қилиб айтганда, олий таълим ташкилотларида қурилиш-таъмирлаш харажатлари ҳисобини такомиллаштириш — молиявий назоратни кучайтириш, смета ва бухгалтерия ҳисобини янги технологиялар асосида такомиллаштириш, норматив-ҳуқуқий базани мукамаллаштириш ва жамоатчилик назоратини кучайтириш орқали амалга оширилиши зарур. Буларнинг барчаси таълим муассасалари фаолиятини самарали ва шаффоф қилишда муҳим рол ўйнайди.

Қурилиш таъмирлаш харажатлари ҳисобини такомиллаштириш мақсадида қуйидаги таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилди:

Қурилиш-таъмирлаш харажатларини тан олиш ва баҳолашни такомиллаштириш. Қурилиш-таъмирлаш харажатларини баҳолашда рақамли технологиялар ва автоматлаштирилган ҳисоблаш тизимларини кенг жорий этиш зарур. Масалан, Building Information Modeling (BIM) технологиясини жорий этиш харажатларни аниқ ҳисоблаш ва мониторинг қилиш имконини беради.

Харажатларнинг барча турларини стандартлаштирилган формада ҳисобга олиш учун ягона методология ишлаб чиқилиши керак. Бу методология Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган ва "Бюджет ҳисобининг стандарти" билан уйғун бўлиши шарт.

Ҳисобини юритиш ва бухгалтерия ҳисобини такомиллаштириш. Қурилиш-таъмирлаш харажатларини бухгалтерия ҳисобида ягона ҳисоб-китоб стандартлари

жорий этилиши керак. Бу ҳолат Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисобининг 2-сонли БҲС («Ягона счёталар режаси») ва 3-сонли БҲС («Бюджет ҳисоботи») билан мувофиқ бўлиши шарт.

Автоматлаштирилган бухгалтерия дастурларини жорий этиш орқали қўл меҳнати ва хатоларни камайтириш, маълумотларни тез ва аниқ олиш имконини яратиш тавсия қилинади.

Қурилиш-таъмирлаш харажатлари бўйича назоратни кучайтириш. Олий таълим муассасаларида қурилиш-таъмирлаш харажатларига оид назорат органлари ва ички аудит тизимларини ривожлантириш зарур. Назорат жараёнларида электрон мониторинг ва реалъ вақт режимидаги ҳисоботларни жорий қилиш самарадорликни оширади.

Давлат ва жамоатчилик назоратини мустаҳкамлаш, «Ташаббусли бюджет» механизмларини кенгайтириш орқали шаффофликни таъминлаш муҳим ҳисобланади.

Норматив-қонунчилик базасини такомиллаштириш. Қурилиш-таъмирлаш харажатларини ҳисоб-китоб қилиш, режалаштириш ва ҳисобот бериш тартиблари бўйича Низом ва Йўриқномаларни бир-бири билан уйғунлаштириш ва замонавий халқаро стандартлар асосида қайта кўриб чиқиш тавсия қилинади.

Қонунчиликда рақамли технологияларни жорий этиш ва маълумотлар базасини яратиш ҳақида аниқ нормалар киритиш зарур.

Таълим муассасалари учун махсус тренинг ва таълим дастурлари. Олий таълим ташкилотлари ходимлари учун бухгалтерия ва молия соҳасидаги янги стандартлар, рақамли технологиялар, назорат ва аудит усуллари бўйича махсус ўқув курсларини ташкил этиш тавсия қилинади.

Бу тренинглар мунтазам равишда ўтказилиб, ходимларнинг малакасини ошириш ва соҳадаги энг сўнгги амалиётларни жорий этиш имкониятини беради.

Қурилиш-таъмирлаш харажатларини автоматлаштириш учун махсус модуль ишлаб чиқиш ва уни бошқариш тизимларига интеграция қилиш. Бу тизим харажатларнинг барча босқичларини электрон шаклда ҳисобга олиш, мониторинг қилиш ва ҳисоботларни тез ва аниқ тайёрлаш имконини беради.

Адабиётлар / Literature / Reference:

Ahmed Mohamed Safaa-eldin and others. (2024) *Cost Management of Construction Projects Using BIM Technology*. April.

Alfred Kweku Attom Prah. (2025) *Evaluation of Project Cost Management Practices in Tertiary Institutions in Ghana: A Case Study of the University of Cape Coast*. RSIS International. 24 July.

Mohd Fairullazi Ayob and others. (2025) *Life cycle cost (lcc) of university building maintenance: a systematised review*. planningmalaysia.org. Volume 23, Issue 1.

Paul Cropper, Roger Cook. (2000) *Activity-Based Costing in Universities—Five Years On*. April *Public Money & Management* 20(2):61-68.

Xiaobing Yu, Hengzhong Zuo. (2022) *Research on Construction Cost Control Technology of Construction Project Based on Big Data Analysis Theory*. onlinelibrary.wiley.com. 27 August.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги. (2022). *Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги йўриқнома*. Тошкент: Молия вазирлиги.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги. (2023). *Бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларнинг харажатлар сметаси ва штат жадвалларини тузиш, тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом*. Тошкент: Молия вазирлиги расмий веб-сайти. <https://gov.uz/oz/edu/sections/view/17273>.